

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

, 19 “ ИЮЛЬ 2018 г. № 554

Тошкент ш. – г. Ташкент

Фуқаролар йиғини ҳузуридаги “Ота-оналар университети” жамоатчилик тузилмаси фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон Фармонига мувофиқ ҳамда жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, фарзанд тарбиясига оид масалаларда ота-оналарнинг малакасини оширишда ёрдам бериш, бу борада оиласалардаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш ишларини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Фуқаролар йигини ҳузуридаги “Ота-оналар университети” жамоатчилик тузилмаси тўғрисида намунавий низом иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ижро аппарати манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда “Ота-оналар университети” жамоатчилик тузилмалари фаолиятини самарали ташкил этиш ҳамда ота-оналарнинг билимларини оширишга қаратилган машғулотларни ўтказиш бўйича методик тавсияларни ишлаб чиқсан.

3. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича худудий кенгашлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

икки ой муддатда мазкур қарор билан тасдиқланган намунавий низом асосида барча фуқаролар йигинлари ҳузуридаги “Ота-оналар университети” жамоатчилик тузилмаларининг низомларини қайта кўриб чиқсан;

“Ота-оналар университети” жамоатчилик тузилмаларининг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ тадбирлар ва машғулотларни ўтказиш учун фуқаролар йигинлари биноларида зарур шароитлар яратилишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши ижро аппарати билан биргаликда:

“Ота-оналар университети” жамоатчилик тузилмалари фаолиятининг доимий мониторингини олиб борсин ҳамда ушбу мониторинг натижалари бўйича ҳар чоракда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича худудий кенгашлар йиғилишларида муҳокама қилиб борилишини ташкил этсан;

ҳар йили Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси томонидан ўтказиладиган “Энг намунали хотин-қизлар билан ишлаш ва оиласарда маънавий-аҳлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис” кўрик-танлови доирасида намунали фаолият олиб бораётган “Ота-оналар университети” жамоатчилик тузилмаси раҳбарлари ва аъзоларини рағбатлантириш бўйича алоҳида номинацияни жорий этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, манбаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда “Ота-оналар университети” жамоатчилик тузилмалари раҳбарлари ва аъзолари учун оиласа соғлом турмуш тарзини таъминлаш, ота-оналар, ёшлар ва бошқа шахсларга фарзанд тарбиясига оид масалаларда вужудга келган қийин вазиятлардан чиқиш борасидаги билимларини оширишга қаратилган ўқув семинарларини ўтказиш режасини ишлаб чиқсин ҳамда амалга оширилишини таъминласин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 октябрдаги 274-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 10-сон, 71-модда) билан тасдиқланган Фуқаролар йигинининг хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссияси тўғрисида намунавий низомнинг 15-банди иккинчи хатбошисидаги “фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли)нинг маслаҳатчиси” сўzlари “хотин-қизлар билан ишлаш ва оиласарда маънавий-аҳлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис” сўzlари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаролар йигини хузуридаги “Ота-оналар университети” жамоатчилик тузилмаси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида” 2017 йил 11 августдаги 621-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 8-сон, 171-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Т.К. Нарбаева зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил “19” июл даги
554-сон қарорига
илова

**Фуқаролар йиғини хузуридаги “Ота-оналар университети”
жамоатчилик тузилмаси тўғрисида
НАМУНАВИЙ НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Намунавий низом фуқаролар йиғини хузуридаги “Ота-оналар университети” жамоатчилик тузилмасининг (кейинги ўринларда Университет деб аталади) мақсади ва асосий вазифаларини, ҳуқуқ ва мажбуриятларини ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

2. Университет ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширади.

3. Университет ўз фаолиятини амалга оширишда давлат органлари, шу жумладан фуқаролар йиғини ҳудудидаги таълим ва тиббиёт муассасалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, фуқаролар йиғини раисининг ўринбосарлари, “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмаси раҳбари, ички ишлар органлари профилактика инспекторлари ҳамда фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича тегишли комиссиялар билан ҳамкорлик қиласди.

4. Университет ушбу Намунавий низомга мувофиқ оилани бошқаришда ҳар хил муаммоларга дуч келаётган фуқаролар йиғини ҳудудидаги ота-оналар, ёшлар ва бошқа шахсларга оилаларда соғлом турмуш тарзини таъминлаш ва фарзанд тарбиясига оид масалаларда вужудга келган қийин вазиятлардан чиқиш ҳамда уларнинг ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, педагогик, психологик ва тиббий билимларини оширишда амалий ёрдам кўрсатиш тадбирларини амалга оширади.

2-боб. Университетнинг мақсади ва асосий вазифалари

5. Университетнинг мақсади – оилалар ва маҳаллаларда ижтимоий-маънавий мухитни янада соғломлаштиришга кўмаклашиш, оилаларни мустаҳкамлаш ва барқарорлигини таъминлаш, оилаларнинг фарзанд тарбиясидаги ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, педагогик, психологик ва тиббий билимларини оширишдан иборат.

6. Қуйидагилар Университетнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

ата-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, педагогик, психологик ва тиббий билимларини оширишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

фарзанд тарбиясига етарли эътибор бермаётган ота-оналар билан ишлаш, фуқаролар йиғинидаги оилаларда ижтимоий-маънавий мухит барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатларнинг олдини олиш;

фарзанд тарбияси жараёнида ота-оналарга ёрдам кўрсатиш, оилада соғлом маънавий мухитни таъминлашга кўмаклашиш.

Университет қонун хужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

3-боб. Университетнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

7. Университет қуидаги ҳуқуқларга эга:

фаолияти учун зарур бўлган маълумотларни тегишли ташкилотлардан белгиланган тартибда сўраб олиш;

оилалар ва муайян шахсларга ёрдам бериш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва иш жараёнида унга ўзгартириш киритиш;

Университет томонидан ташкил этиладиган машғулотлар режасини тузиш, заруратга кўра уни такомиллаштириш;

ушбу Намунавий низомда белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида тадбир ва машғулотларга давлат ташкилотлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларнинг вакилларини, малакали мутахассисларни ва бошқа шахсларни жалб қилиш;

Университет машғулотларини фуқаролар йигини худудида олиб борилган жамоатчилик фикрини ўрганиш бўйича сўровнома материалларидан, “Оила” маркази томонидан ўтказилган тадқиқот ишлари нотижаларидан, статистик маълумотлардан, газета ва журналларда ёритилган мақолалардан, намунали оилаларнинг тажрибаларидан ва шу каби йўналишларда ҳаётий мисоллардан фойдаланган ҳолда ташкил этиш.

Университет қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

8. Университетнинг мажбуриятлари қуидагилардан иборат:

оилалар ва маҳаллалардаги маънавий муҳит барқарорлигининг бузилиши, шу жумладан фарзанд тарбиясига салбий таъсири кўрсатишнинг олдини олишга кўмаклашиш;

ота-оналар билан ишлаш ва фарзанд тарбияси билан боғлиқ масалалар бўйича фуқаролар йигини ҳаётида фаол иштирок этиш;

Университет машғулотлари ва тарғибот тадбирларини самарали ҳамда мақсадли тарзда мунтазам равишда амалга ошириш;

ушбу Намунавий низомда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, турли ёт ғоялар таъсирига тушиб қолган, ҳуқуқбузарлик содир этган ёшларнинг ота-оналари билан тизимли ишларни ташкил этиш.

Университет қонун хужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам бажариши мумкин.

4-боб. Университет таркибини шакллантириш тартиби

9. Университет таркиби фуқаролар йигини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан фуқаролар йигини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилганидан кейин бир ой ичида 10-15 нафар аъзодан иборат таркибда овоз бериш йўли билан шакллантирилади.

Университет раҳбари, унинг ўринбосари ва аъзолари фуқаролар йигини (фуқаролар вакилларининг йигилиши) томонидан икки ярим йил муддатга сайланади.

Университет раҳбари, унинг ўринбосари номзодига ва аъзоликка номзодга фуқаролар йигинида (фуқаролар вакилларининг йигилишида) ҳозир бўлганларнинг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берганида у сайланган ҳисобланади.

10. Университет аъзолари хуқуқшунос, шифокор, педагог, психолог ва бошқа мутахассислар ҳамда Университетга юкланган вазифаларнинг мазмун-моҳиятини чукур тушунадиган, обрў-эътиборли, катта ҳаётий тажрибага ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган, жамиятда ўзининг намунали хулқи билан обрў-эътибор қозонган фаол фуқаролар орасидан сайланади.

Университет раҳбари вазифасини қоида тариқасида туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмитасининг хотин-қизлар билан ишлаш ва оиласарда маънавий-аҳлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис амалга оширади.

11. Университет ўз олдида турган асосий вазифаларни ҳар ойда камида бир марта чақириладиган йигилишларда кўриб чиқади. Университет йигилиши йигилишда аъзоларнинг камида учдан икки қисми қатнашса ваколатли ҳисобланади. Университет аъзоларининг ярмидан кўпи ёқлаб овоз берган қарор қабул қилинган ҳисобланади.

Университетнинг йигилишида қуйидаги масалалар кўриб чиқилади:

Университетнинг чораклик, ярим йиллик, йиллик иш режалари, шу жумладан Университет машғулотларининг йўналишлари бўйича режасини ишлаб чиқиш ва уларни тасдиқлаш учун фуқаролар йигини кенгашига киритиш билан боғлиқ масалалар;

Университет иш режалари ижроси юзасидан Университет аъзоларининг амалга оширилган ишлар бўйича ҳисботларини эшитиш билан боғлиқ масалалар;

Фуқаролар йигини (фуқаролар вакилларининг йигилиши) билан келишишни талаб қиласидан бошқа масалалар.

12. Университет раҳбари:

Университетнинг йигилишларида раислик қиласиди;

фуқаролар йигини худудидаги оиласи бошқаришда ҳар хил муаммоларга дуч келаётган ота-оналар, ёшлар ва бошқа шахсларнинг рўйхатини шакллантиради ва уларнинг муаммоларини ҳал этишга қаратилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

оиласи бошқаришда ҳар хил муаммоларга дуч келаётган фуқаролар йигини худудидаги ота-оналар, ёшлар ва бошқа шахсларга оиласарда соғлом турмуш тарзини таъминлаш ва фарзанд тарбиясига оид масалаларда вужудга келган қийин вазиятлардан чиқиш ҳамда уларнинг хукуқий, маънавий-аҳлоқий, педагогик, психологик ва тиббий билимларини оширишда амалий ёрдам кўрсатиш тадбирларини амалга оширади;

Университетнинг жорий ишларини ташкил қиласиди;

Университет аъзолари ўртасида вазифаларни таксимлайди;

Университет аъзоларига юкланган вазифаларнинг ўз вақтида, сифатли ва оила билан ишлаш этика қоидаларини бузилмаслигини эътиборган олган ҳолда, бажарилишини таъминлайди;

Университет иш режалари ижроси юзасидан Университет аъзоларининг амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботларини эшлишиш билан боғлик масалаларни кўриб чиқади;

фуқаролар йигини (фуқаролар вакилларининг йигилиши), йигин кенгаши мажлисларида Университет номидан вакил бўлади;

Университет номидан чиқадиган хужжатларни имзолайди;

фуқаролар йигини (фуқаролар вакилларининг йигилиши) билан келишишни талаб қиласидиган бошқа масалаларни кўриб чиқади.

Университет фаолияти тўғрисида йилнинг ҳар чорагида фуқаролар йигинига (фуқаролар вакилларининг йигилишига) ҳисобот беради.

Университет раҳбари қонун хужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13. Университет раҳбари ўринbosари ва аъзоларининг ваколатлари ушбу Намунаий низомда белгиланган Университетнинг мақсади ва асосий вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятларидан келиб чиқиб, Университет раҳбари томонидан белгиланади.

14. Университет раҳбари узрли сабабларга кўра бўлмаган ҳолларда Университет раҳбари ўринbosари унинг вазифасини бажаради.

5-боб. Университет фаолиятини ташкил этиш тартиби

15. Университет аъзолари томонидан фуқаролар йигини худудидаги оилани бошқаришда ҳар хил муаммоларга дуч келаётган ота-оналар, ёшлар ва бошқа шахсларнинг шакллантирилган рўйхати ўрганилади ва муаммоларни ҳал этишга қаратилган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади.

16. Фуқаролар йигини худудидаги ота-оналар, ёшлар ва бошқа шахсларга оилаларда соғлом турмуш тарзини таъминлаш ва фарзанд тарбиясига оид масалаларда вужудга келган қийин вазиятлардан чиқиш ҳамда уларнинг ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, педагогик, психологик ва тиббий билимларини оширишда амалий ёрдам кўрсатиш тадбирлари Университет раҳбари томонидан тасдиқланади.

17. Рўйхатдаги оила ёки шахс билан индивидуал ёки гурухларда иш олиб бориш бўйича чора-тадбирлар кўзда тутилиши мумкин.

18. Чора-тадбирлар ўз ичига оиладаги вазиятни ва вужудга келган муаммоларни баҳолаш, оилада ижтимоий-маънавий мухитни янада соғломлаштириш, мустаҳкамлаш ва барқарорлигини таъминлаш, ота-оналарнинг фарзанд тарбиясидаги ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий, педагогик, психологик ва тиббий билимларини оширишга қаратилади. Шунингдек, тадбирлар тегишли йўналишлар бўйича ўқув машғулотлари ва тарғибот ишларидан ҳам иборат бўлиши мумкин.

19. Ушбу низом иловасида келтирилган намунавий шаклга мувофиқ оила ёки шахс билан индивидуал иш олиб бориш бўйича чора-тадбирлар режасида:

оила ёки шахс тўғрисидаги маълумотлар (мурожаат қилган шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, оила таркиби, вояга етмаган шахслар сони ва бошқа маълумотлар);

қийин вазият вужудга келганлик сабаби (муаммо);

муаммо ечимини топиш бўйича қилинадиган ишлар (ишлар номи ва муддати кўрсатилган ҳолда);

муаммо ечимида нималар тўсқинлик қилиши, тўсиқларни бартараф этиш чоралари (бошқа идора ва ташкилотларни жалб қилиш эҳтиёжи мавжудлиги) кўрсатилади.

20. Университет томонидан режалаштириладиган тадбирлар ва машғулотлар унда иштирок этувчиларнинг ёши, жинси, маълумотини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади. Гурухларда ўтказиладиган тадбирлар ва университет машғулотларининг жойи, вақти ва ташкил этиш тартиби унинг иштирокчиларининг бўш вақтини ҳисобга олган ҳолда Университет йиғилиши томонидан белгиланади.

Ўтказиладиган тадбирлар ва Университет машғулотлари унинг иштирокчиларига қулай бўлган тилда олиб борилади.

21. Гурухларда ўтказиладиган Университет машғулотлари қуидаги йўналишларда олиб борилиши мумкин:

оила ҳуқуқи;

оила маънавияти;

оила бошқаруви;

оила иқтисодиёти;

оила психологияси;

оиланинг тиббий маданияти;

оилада соғлом турмуш тарзи.

22. Университет машғулотларининг мавзулари ҳудуднинг ўзига хос хусусиятларидан ва мавжуд муаммолардан, шу жумладан аҳоли билан мулоқот қилиш жараёнида аниқланган масалалардан келиб чиқиб белгиланади.

23. Оила ёки шахс билан индивидуал иш олиб бориш бўйича чора-тадбирлар режасида кўзда тутилган ишлар якуни бўйича Университет иштирокчилари ўртасида сўровномалар ўтказилади, оила ёки шахс қийин вазиятдан олиб чиқилганлиги тўғрисидаги хulosса шакллантирилади ва ушбу хulosса асосида қийин вазиятдан олиб чиқилган оила ёки шахсни рўйхатдан чиқариш амалга оширилади.

24. Ой, чорак, ярим йиллик ва йил якуни бўйича натижалар таҳлил этилади ва қийин вазиятдан олиб чиқилган оила ёки шахсларнинг рўйхатдан чиқарилган сони университет фаолиятининг самарадорлигини аниқловчи омил сифатида белгиланади.

25. Университет томонидан қийин вазиятдан олиб чиқилған оила ёки шахслар ўртасида ўтказиладиган намунавий сўровноманинг шакли Университет раҳбари томонидан тасдиқланади.

26. Университетнинг тарғибот тадбирлари унинг аъзолари томонидан фуқаролар йигини ҳудудида яшовчи аҳоли ўртасида Университетнинг мақсад ва вазифалари юзасидан муңтазам тушунтириш ишларини олиб бориш ва республика ҳамда маҳаллий оммавий ахборот воситаларида чиқишилар қилиш орқали амалга оширилади.

27. Университет фаолиятини туман (шаҳар) хотин-қизлар қўмиталари мувофиқлаштиради. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича кенгашлар, Ўзбекистон “Маҳалла” хайрия жамоат фонди, ҳудуддаги “Оила” маркази, давлат ташкилотлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлар Университет фаолиятини самарали ташкил этишга методик ва амалий жиҳатдан кўмаклашадилар.

28. Университетни зарур жиҳозлар билан таъминлаш, Университет аъзоларини моддий рағбатлантириш юридик ва жисмоний шахсларнинг хайрия эҳсонлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалардан ташкил топган фуқаролар йигини маблағлари ҳисобидан фуқаролар йигини кенгashi қарорига асосан амалга оширилиши мумкин.

6-боб. Университет аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш

29. Университет раҳбари, унинг ўринbosари ёки бошқа аъзоларининг ваколатлари қуидаги ҳолларда муддатидан илгари тўхтатилади:

ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилганда;

белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;

суднинг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори асосида бедарак йўқолган деб топилган ёхуд вафот этган деб эълон қилинганда;

Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотганда;

соғлиги ҳолати ёки бошқа узрли сабабларга кўра уч ой давомида ўз вазифаларини бажара олмай қолганда;

вафот этганда;

қонун ҳужжатларда назарда тутилган бошқа ҳолларда.

30. Университет раҳбари, унинг ўринbosари ёки бошқа аъзоларининг ваколатлари муддатидан илгари тўхтатилган тақдирда, бир ой муддатда фуқаролар йигини (фуқаролар вакилларининг йиғилиши) томонидан бўшаб қолган ўринларга янги сайлов ўтказилади.

7-боб. Якунловчи қоида

31. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Фуқаролар йиғини ҳузуридаги
“Ота-оналар университети” жамоатчилик
түзилмаси тұғрисида намунавий низомга илова

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Университет рахбари _____

20 ____ йил “____” _____

1. Мурожаат қылған шахс/оила ҳақида қисқача маълумот:

2. Мурожаат мақсади, муаммо:

**3. Мурожаат қылған шахс/оила билан индивидуал иш олиб бориши
бүйічча чора-тадбирлар режаси**

№	Тадбир номи	Муддат	Жалб қилинадиган ташкилот/мутахассис	Кутилаётган натижа
1.	Вазиятни баҳолаш	1 кун	Университет аъзоси	Муаммоларни аниқлаш
2.	1-муаммо ечими бүйічча қилинадиган ишлар (үғлиға)	5 кун	Мактаб психологи билан индивидуал сұхбат	Психологик ҳолати ва ахлоқини яхшилаш
3.	Қизиқишига күра ўғлини тұғаралғанда жалб қилиш	3 кун	Мактаб маъмурология	Боланинг бүшіндең түрлі тәжірибелерге қарастырылыш
4.	2-муаммо ечими бүйічча қилинадиган ишлар (онасига)	3 кун	Бандлык маркази мутахассиси билан индивидуал сұхбат	Ишга жойлаштырылыш масаласини қарастырылыш
5.	Оила иқтисодиёты бүйічча ўқув машғулоти (онасига)	2 ҳафта (жадвал асосида)	Гурухларда машғулоттар	Оила иқтисодиётына оид билим дағындауда қарастырылыш
....				
....				

Масъул шахс _____

ЭРИШИЛГАН НАТИЖА:

ХУЛОСА:

